

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Tib.170.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҒАНИЕВ МИРВОРИСЖОН ТУЛКУНЖОН ЎҒЛИ

**БОЛАЛАРДА ОРКА МИЯ ЎСМАСИ ДИАГНОСТИКА ВА ХИРУРГИК
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.28-Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Ғаниев Мирворисжон Тулкунжон Ўғли

Болаларда орка мия ўсмаси диагностика

ва хирургик даволашни такомиллаштириш..... 3

Ғаниев Мирворисжон Тулкунжон Ўғли

Совершенствование методов диагностики

и хирургического лечения опухолей

спинного мозга у детей..... 21

Ganiev Mirvorisjon Tulkunjon Ugli

Improving methods of diagnostics and surgical

treatment of spinal cord tumors in children..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Tib.170.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҒАНИЕВ МИРВОРИСЖОН ТУЛКУНЖОН ЎҒЛИ

**БОЛАЛАРДА ОРҚА МИЯ ЎСМАСИ ДИАГНОСТИКА ВА ХИРУРГИК
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.28-Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.1.PhD/Tib2549 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.neuro.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашев Равшан Муслимович
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Расмий оппонентлар:

Кулдашев Кахрамон Абдухалилович
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Джуманов Камалиддин Нуриддинович
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/04.07.2023.tib.170.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Хумоюн кўчаси, 40 уй. Тел./факс: (+99871) 264-96-22, e-mail: admin@neuro.uz)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Хумоюн кўчаси, 40 уй..Тел./факс: (+99871) 264-96-22

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.М. Кариев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.О. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Р.Т. Кадирбеков

и.о.Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Болаларда орқамия ўсмалари ҳозирги нейрохирургиянинг энг мураккаб ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти статистик маълумотларига кўра, «...ҳар йили 900000 миллион болаларда бош мия ва орқамия ҳолатлари қайд этилиб, шулардан 250000 яқини орқамия ўсмаларини ташкил этади».¹ Ривожланаётган мамлакатларда соғлиқ учун глобал хавф туғдириб болалар орасида орқамия ўсмалари қайд этилиши ортиб бормоқда. Бу касалликлар болаларда ногиронликка олиб келадиган етакчи сабаблардан бири ҳисобланади¹. Бундай ўсмаларни аниқлаш мураккаблиги, орқамиянинг ҳаёт учун муҳим бўлган тузилмаларига зарар етказиш хавфи юқорилиги ва уларни даволашда жарроҳлик ёндашувларини такомиллаштириш ҳамда кўп тармоқли ёндашув зарурлиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятларидир долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болалардаги орқамия ўсмаларини эрта ташхислаш, хатарли омилларини аниқлаш, асоратларини камайтириш, самарали даволаш тартибини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жарроҳлик даволаш натижаларининг самарадорлиги этарли эмаслиги сабабли, жарроҳлик амалиётидан сўнг асоратлар ривожланиш частотасининг юқорилиги орқамия ўсмаларни даволашнинг жарроҳлик усулларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Бу мунозараларни давом эттириш ва орқамия ўсмалари билан оғриган беморларни илмий асосланган даволаш тизимини ишлаб чиқиш зарурлигига олиб келади, бу жуда долзарб ва истиқболли. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун орқамия ўсмалари тахшисот мезонларини оптималлаштириш, интраоперацион нейромониторинг усуллари қўллаш орқали замонавий жарроҳлик даволаш усулларини такомиллаштириш ҳамда асоратларни олдини олиш чораларини белгилаш кабилар ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни кенг кўламли ташкил этиш, республика соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига курсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида неврологик касалликларни тарқалиши хавф омилларини эрта аниқлаш ва асоратларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, кейинчалик аҳолига тиббий ижтимоий ёрдам тўлақонлигини ошириш

¹ WHO. World health statistics, WHO. Global Cancer Statistics 2020: Globocan Estimates of Incidence and Mortality Worldwide for 36 Cancers in 185 Countries

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича мажмуи чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон фармони.

ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, ҳаёт сифатини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ – 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда орқа мия ўсмаларида муаммоси бутун дунёда долзарблиги белгиланган. Касалликнинг сабаблари, ривожланиш механизмлари, шунингдек даволашда турли ёндашувлар ва даволаш натижаларига таъсир кўрсатадиган омиллар тўғрисида катта миқдордаги маълумотлар тўпланган. Орқа мия ўсмалари нейроонкология касалликларининг муҳим қисмини ташкил этиб, марказий нерв тизими (МНТ) патологиялари орасида 2-3% ни ташкил этканлиги аниқланган (Арсени К., Симонеску М., 2001; Скоромец А.А., 2000; Koeller К.К., ва бошқ., 2019). Сўнгги ўн йилликларда касалланиш ҳолатларининг ўсиши кузатилмоқда, бу эса эрта диагностика ва даволашнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш зарурлиги аниқланган. (Louis D.N., 2020; Boriani S. et al., 2018). Болаларда энг кўп учрайдиган ўсмалар қаторига астроцитома, эпендимома ва гемангиобластома киради, улар аксарият ҳолларда орқа миyanинг бўйин ва кўкрак бўлимларида жойлашади, бу эса жарроҳлик муолажаларини анча мураккаблаштириши аниқланган. (Коновалов Н.А. ва ҳаммуаллифлар, 2018; Flemming D.J. et al., 2021). Замонавий молекуляр-генетик методлар орқа мия ўсмалари патогенезини тушунишга катта ҳисса қўшди ва усмаларнинг генетик профилини аниқлаш прогноз ва даволаш усулларини танлаш билан боғлиқ молекуляр маркерларни аниқлаш имконини беради, масалан, N3K27M ва IDH1 генларидаги мутациялар орқа мия ўсмалари классификациясини қайта кўриб чиқиш ва мақсадли терапияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлди. University of Nagoya (Япония) ва Mayo Clinic (АҚШ) тадқиқотлари генетик тестларни даволаш ёндашувларини индивидуализация қилишдаги аҳамиятини аниқлаган (Louis D.N. et al., 2020).

Интраоперацион нейромониторинг (ИОНМ), жумладан, кортикоспинал карталаш усуллари, неврологик асоратларнинг олдини олиш ва орқа миyanинг функционал ўтказувчан йўллари сақлашда ўз самарадорлигини исботлаган. (Ганиев М.Т., Юлдашев Р.М., 2023). Ушбу технологиялар ҳаётий муҳим тузилмаларга зарар етказмасдан ўсмаларни хавфсиз олиб ташлаш

имконини яратган. Ўзбекистонда мазкур йўналиш янада ривожлантирилиши лозим. Молекуляр-генетик усулларни жорий этиш ва нейромониторинг имкониятларини кенгайтириш болаларда орқа мия ўсмаларини диагностика ва жарроҳлик йўли билан даволаш сифатига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатадиган янги истиқболларни очади.

Дунёда орқа мия интрамедулляр ўсмаларини ташхислаш ва даволашга қаратилган қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: нейровизуал диагностика усулларини такомиллаштириш, жарроҳлик тактикасини танлашда асос бўладиган диагностик мезонларни яратиш, беморларнинг неврологик статусини яхшилашга қаратилган дифференциаллашган жарроҳлик усулларини такомиллаштириш, жарроҳлик амалиётидан сўнг асоратларни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш шулар жумласидандир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент Педиатрия тиббиёт Институти илмий-тадқиқот режасига мувофиқ ва Болаларда орқа мия усмаси диагностика ва хирургик даволашни такомиллаштириш" диссертация мавзуси доирасида амалга оширилган. №B2022.1.PhD/Tib2549.

Тадқиқотнинг мақсади: болаларда орқа мия ўсмаларини диагностика натижаларини ва жарроҳлик даволаш усулларини такомиллаштириш ва дифференциал ёндашув асосида жарроҳлик даволаш усулларини ривожлантириш орқали яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

болалар орасида интрамедулляр ва экстрамедулляр ўсмаларнинг, айниқса астрокитом ва эпендимомаларнинг учраш тезлиги ва тарқалишига оид ретроспектив таҳлил ўтказиш, эпидемиологик манзарани аниқлаштириш ва турли ўсма турларининг тарқалиш хусусиятларини аниқлаш;

болаларда ўсмаларни хавфсиз ва самарали олиб ташлаш, неврологик асоратларни минималлаштириш мақсадида кортикоспинал тракт ва орқа мия дорсал устунларини хариталаш ва нейрофизиологик мониторинг усулларини мослаштириш ҳамда амалиётга ахамиятини баҳолаш;

микржарроҳлик йўли билан ўсмаларни олиб ташлашда операцион майдон кўринишини яхшилаш, юмшоқ тўқималарнинг ҳаддан ташқари чўзилиши ва зарарланишини камайтириш учун янги педиатрик яра кенгайтиргич моделини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш;

астроцитом ва эпендимомаларнинг молекуляр-генетик таҳлилининг ўтказиб, янги генетик маркерлар ва патогенетик йўллارни аниқлаш, олинган маълумотлар орқали касалликларни даволаш ва натижаларини башорат қилишда, индивидуал ёндашувларни ишлаб чиқиш имкониятини аниқлаш;

ўсмаларнинг гистологик табиати ва жойлашувига қараб жарроҳлик резексияси ҳажмини асослаб бериш, дифференциал жарроҳлик тактикаси қўлланган беморларда даволаш натижаларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 2018-2024 йиллари орқа мия интрамедулляр ўсмалари бўлган 55 бемор танланган.

Тадқиқотнинг предмети Тадқиқот предмети сифатида орқа мия ўсмасига чалинган беморларнинг жарроҳлик даволашдан олдин ва кейинги неврологик ва клиник-рентгенологик ва гистологик ҳолатига комплекс баҳолаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қуйидаги усуллар қўлланилди: умумий клиник усуллар, неврологик (оғриқ шкаласи ва неврологик бузилишлар шкаласи), нурли текширувлар (рентгенологик, магнит-резонанс томография ва нейрофизиологик) ҳамда статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

орқа мия усмалари булган болаларда Те Мер ва D-wave мезонлари ИОНМ жарроҳлик амалиёти хажимига та'сир килувчи омиллиги исботланган;

янги ишлаб чиқилган спинал педиатрик яра-кенгайтиргич операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириши, ҳамда микрохирургик жарроҳлик майдонининг тулик визуализацияни та'минлаши исботланган FAP 00260275;

болаларда орқа мия эпендимома ва астрацитомаларини мавжудлигини прогнозлашда АТМ 18%, BCL2 68% ва TP53 95% генларининг типик мавжудлиги исботланган;

double train методика асосида дифференциал жарроҳлик тактикасини кулланиши беморларда функционал ҳолатни сақлаши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

интраоперацион мониторингнинг (ИОНМ) самарадорлиги D-wave методикаси орқали орқа мия ўсмаларига эга болаларда жарроҳлик даволашда юқори самарадорлик тасдиқланди, ушбу методика кортикоспинал йўллارнинг функционал яхлитлигини аниқ назорат қилиш, зарарланиш хавфини минималлаштириш ва операциядан кейинги асоратлар частотасини пасайтириш имкониятлари тасдиқланган;

махсус спинал яра-кенгайтиргичнинг жорий қилиниши ўсмага хавфсиз киришни таъминлади ва микрохирургик ишлар учун шароитларни яхшилади ҳамда тўқималарнинг жароҳатланиш хавфини пасайтириши исботланган;

молекуляр-генетик тадқиқотларнинг ўтказилиши. усмаларда АТМ, BCL2 ва TP53 мутацияларини ўз ичига олган асосий генларнинг таҳлили амалга оширилди, бу ўсмаларнинг агрессив ўсишини прогноз қилиш ва жарроҳлик тактикасида индивидуал ёндашувни жорий қилиш имконини бериши исботланган;

миелотомия методикасининг такомиллаштирилиши. усма топографиясини ва кортикоспинал йўллارни идентификация қилишни ҳисобга олган ҳолда миелотомиянинг амалга оширилиши орқа мияга зарарни минимал даражага тушириши аниқланган;

ASIA ва Nurick шкалаларини қўллаш натижалари. беморларнинг функционал ҳолатини баҳолашда ушбу шкалаларни қўллаш асосий гуруҳда ҳаракат функцияларининг сезиларли даражада яхшиланганини ва неврологик нуқсонларнинг камайганини тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қуйидаги маълумотлар билан тасдиқланган: объектив клиник, неврологик, рентгенологик, (ЭНМГ) натижалари, КТ ва МРТ тадқиқотлари ва уларнинг статистик таҳлиллари маълумотлари билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, шундан иборатки тадқиқот доирасида

болаларда орқа мия ўсмаларини олиб ташлашда кортикоспинал йўллари назорат қилиш учун D-wave усулидан фойдаланган ҳолда интраоперацион нейромониторинг (ИОНМ) ва ҳаракат чақирилган потенциаллардан фойдаланган ҳолда қўлланилиши функционал аҳамиятга эга бўлган тузилмаларнинг шикастланиши, ўсмаларнинг молекуляр-генетик таҳлиллари (BCL2, TP53 мутациялари таҳлили) ўсмаларнинг биологик агрессивлигини тушуниш ва шахсийлаштирилган жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқишга ҳисса қўшишини имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот доирасида ИОНМ, D-wave усули ва махсус спинал яра-кенгайтиргичлардан фойдаланишни ўз ичига олган комплекс протоколлар яратилди ва жорий этилиши ўсмаларни олиб ташлаш аниқлигини ошириш, рецидивлар сонини камайтириш ва неврологик асоратлар хавфини пасайтириш имконини беради, ҳамда функционал натижаларни яхшилаш ва пациентлар ҳаёти сифатини оширишда ўз самарадорлигини билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича 2025 15 февралдаги 12-сон хулосасига биноан:

биринчи илми янгилик: ТеМеР ва D-wave маркерларининг орқа мия ўсмалари бўлган болаларда интраоперацион нейромониторинг (ИОНМ) қўлланилишида жарроҳлик аралашув ҳажмига таъсири исботланди. Ушбу ёндашув кортикоспинал трактларнинг функционал ҳолатини реал вақт режимида баҳолаш ва оператив аралашув ҳажминини тўғрилаш учун протокол ишлаб чиқиш асосига айланди. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** ТеМеР ва D-wave маркерларини қўллаш орқа миянинг ҳаётини муҳим тузилмаларига зарар етказиш хавфини камайтириш ва ўсмани олиб ташлаш самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу маркерлар операциядан олдин ва унинг давомида кортикоспинал трактларга хавф даражасини баҳолаш учун уникал имконият яратади, бу эса жарроҳлик тактикасига сезиларли даражада ёрдам беради. Бундай ёндашув болалар популяцияси учун айниқса муҳим, чунки марказий асаб тизими резервларини сақлаб қолиш зарурати ўта долзарб аҳамиятга эга. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** натижалар нейрохирургия бўлимларининг клиник амалиётига жорий этилди, жумладан, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2024 йил 9 августдаги №01/468-сонли буйруқ) ва Республика тез тиббий ёрдам илмий марказининг Коракалпогистон филиали (2024 йил 7- август №106-сонли буйруқ). Ушбу муассасаларда таклиф этилган протокол асосида усулнинг муваффақиятли апробацияси ўтказилди. Натижалар интраоперацион хавфларнинг камайиши ва операциядан кейинги функционал натижаларнинг яхшиланишини кўрсатди. **Ижтимоий самарадорлиги:** ТеМеР ва D-wave маркерларидан фойдаланиш усулининг жорий этилиши операциядан кейинги неврологик асоратлар сонини қисқартиришга имкон берди. Бу эса беморлар, айниқса, болалар учун реабилитация сифатининг яхшиланишига, уларнинг ижтимоий ва таълим фаолиятига тезроқ қайтиш имкониятига олиб келди. **Иқтисодий самарадорлиги:** таклиф этилган ёндашувни қўллаш жарроҳлик операциялари ва госпитализация

давомийлигини 10-12 кундан 5-6 кунгача қисқартиришга имкон берди, бу эса даволаш харажатларини камайтиришга олиб келди. Қўшимча афзаллик сифатида асоратлар сонининг камайиши ҳисобига реабилитация харажатларининг пасайиши қайд этилди. Протокол қайта аралашувлар заруратини истисно этди, бу эса соғлиқни сақлаш тизимига молиявий юкни камайтирди. Хулоса: интраоперацион нейромониторингда ТеМеР ва D-wave маркерларидан фойдаланиш орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди. Бу усул операцияларнинг хавфсизлигини ошириш, функционал натижаларни яхшилаш ва асоратлар сонини камайтиришга имкон берди, бу эса усулни амалиётга кенг жорий этиш учун катта салоҳиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

иккинчи илмий янгилик: болаларда орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашда қўлланиладиган янги педиатрик спинал яра кенгайтиргичдан фойдаланишнинг самарадорлиги исботланди. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* янги педиатрик спинал яра кенгайтиргични ишлаб чиқиш орқа миёдаги микрохирургик операциялар вақтида жарроҳлик майдонига янада аниқ ва хавфсиз кириш имкониятини таъминлади. Асбобнинг дизайни тракция кучларини бир хилда тақсимлаб, атрофдаги тўқималар, қон томир-нерв тузилмаларига зарар етказиш хавфини камайтирди ва операциядан кейинги асоратларнинг ривожланиш эҳтимолини пасайтирди. Яра кенгайтиргичдан фойдаланиш орқа миёнинг функционал захираларини сақлаб қолиш имконини берди, бу эса даволаш натижаларини яхшилади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* натижалар нейрохирургия бўлимлари, жумладан, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2024 йил 9 августдаги №01/468-сонли буйруқ) ва Республика тез тиббий ёрдам илмий марказининг Коракалпоғистон филиали (2024 йил 7- август №106-сонли буйруқ жорий этилди. Асбоб микрохирургик аралашувларда, айниқса жарроҳлик майдони устидан аниқ назорат талаб қилинадиган ўсмаларда юқори самарадорлигини намойиш этди. *Ишжтимоий самарадорлиги:* янги педиатрик спинал яра кенгайтиргични жорий этиш натижасида операциядан кейинги асоратлар, жумладан, неврологик дефицит ва сирингомиелия ҳолатлари қисқарди. Бу эса беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга, реабилитация муддатини қисқартиришга ва уларнинг таълим ҳамда ижтимоий фаолиятига тезроқ қайтишларини таъминлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* янги ранорасширителдан фойдаланиш операцияларнинг давомийлигини ва қайта аралашувлар сонини камайтирди. Стационар даволаш муддати 10-12 кундан 5-7 кунгача қисқартирилиб, дори воситалари ва реабилитацияга сарфланган харажатларни камайтиришга эришилди. *Хулоса:* янги педиатрик яра кенгайтиргични болаларда орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашда қўллаш операцияларнинг хавфсизлиги ва натижаларини яхшилаш, асоратлар сонини камайтириш ва реабилитацияни тезлаштиришга олиб келди. Бу усулнинг юқори клиник ва иқтисодий самарадорлигини тасдиқлайди ва уни амалиётга кенг жорий этиш учун истиқболли эканлигини кўрсатади.

учинчи илмий янгилик: болаларда орқа мия эпендимомалари ва астроцитомаларида АТМ, ВСL2 ва TP53 генларининг хос экспрессияси аниқланди. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* тадқиқот натижалари АТМ, ВСL2 ва

TP53 генларининг хос экспрессиясини кўрсатди, бу эса молекуляр-генетик профиллаштириш маълумотларидан гистологик ташхисни аниқлаш, касалликнинг кечишига прогноз бериш ва даволашга индивидуал ёндашувларни ишлаб чиқиш учун фойдаланиш имконини берди. АТМ генининг экспрессияси ДНКнинг зарарланишига жавобни тартибга солиш билан боғлиқ бўлиб, радиотерапия ва кимё терапиясига ўсмаларнинг сезгирлигини баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга. BCL2 генининг юқори экспрессияси ўсма хужайраларининг яшовчанлиги билан боғлиқ бўлиб, янги ўсмаларнинг агрессивлигини аниқлаш учун муҳимдир. TP53 гени мутациялари эса касалликнинг тез суръатда кучайиши хавфини кўрсатади. Бу маълумотларни диагностика ва даволаш алгоритмларига интеграция қилиш орқали беморларда даволаш натижаларини яхшилаш мумкин.

амалиётга жорий қилиниши: тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2024 йил 9 августдаги №01/468-сонли буйруқ) ва Республика тез тиббий ёрдам илмий марказининг Коракалпогистон филиали (2024 йил 7- август №106-сонли буйруқ. Молекуляр-генетик усуллардан фойдаланиш орқали операциягача бўлган босқичда ўсманинг гистологик тузилишини аниқроқ баҳолаш имкони яратилди, бу эса жарроҳлик аралашуви ва кейинги даволаш учун энг самарали тактикани танлашга ёрдам берди. *Ижтимоий самарадорлиги:* молекуляр-генетик профиллаштиришни жорий этиш рецидивлар сонини камайтириш ва персоналлаштирилган даволаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берди. Бу, айниқса, болалар учун муҳимдир, чунки эрта ташхис ва тўғри даволаш ногиронлик эҳтимолини пасайтириб, беморларнинг тўлиқ ҳаётга қайтишини тезлаштиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* молекуляр-генетик тадқиқотлардан фойдаланиш орқали диагностика ва даволаш жараёнида қайта операциялар ва узок муддатли стационар даволаш харажатлари камайтирилди. Асоратлар ва рецидивлар сонининг қисқариши реабилитация ва операциядан кейинги кузатув харажатларини камайтириб, соғлиқни сақлаш тизими ресурсларининг самарали фойдаланишини таъминлади. *Хулоса:* болаларда орқа мия ўсмаларида молекуляр-генетик тадқиқотларнинг диагностика ва даволаш жараёнига жорий этилиши нейрохирургияда янги истиқболларни очди. Ушбу ёндашув даволаш режаларини аниқроқ режалаштириш, натижаларни яхшилаш ва иқтисодий самарадорликни таъминлайди, бу уни замонавий тиббий ёрдам стандартларининг ажралмас қисмига айлантиради.

тўртинчи илмий янгилик: double train методикаси асосида индивидуал жарроҳлик тактикасини кўллаш орқали беморларнинг функционал ҳолатини яхшилашдаги самарадорлик исботланди. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* double train методикасини жорий этиш болаларда орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш хавфсизлиги ва самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди. Ушбу методика реал вақтда кортикоспинал трактларни аниқ хариталаштиришни таъминлаб, уларнинг шикастланиш хавфини минимал даражага тушириш имконини яратди. Шунингдек, double train усулидан фойдаланиш орқа мианинг ҳаётга аҳамиятга эга тузилмаларини сақлаб қолган ҳолда ўсмани аниқ олиб ташлаш имконини берди, бу эса операциядан кейинги асоратлар камайиши ва неврологик функцияларни тиклашни яхшилашга ёрдам

берди. Ушбу ёндашув нафақат операциядан кейинги асоратлар сонини камайтирди, балки беморларнинг эрта ва узоқ муддатли тикланишига ҳам катта ҳисса қўшди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* тадқиқот натижалари, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2024 йил 9 августдаги №01/468-сонли буйруқ) ва Республика тез тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали (2024 йил 7- август №106-сонли буйруқ. Double train методикасини жорий қилиш жарроҳлик манипуляцияларни аниқ бажаришда сезиларли яхшиланишга эришишга, интраоперацион хавфларни минимал даражага туширишга ва рецидивлар сонини камайтиришга ёрдам берди. *Ижтимоий самарадорлиги:* Double train асосидаги дифференциал жарроҳлик тактикаси қўлланилиши туфайли функцияларни тиклаш ва реабилитация даврини қисқартириш ҳисобига беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга эришилди. Асоратлар сонининг камайиши беморларнинг ижтимоий ва меҳнат фаолиятига тезроқ қайтишини таъминлаб, уларнинг психологик ва эмоционал ҳолатларини яхшилади ва узоқ муддатли постоперацион кузатувга бўлган эҳтиёжни камайтирди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Double train методикасини жорий этиш стационар даволаш муддатини 9-10 кундан 5-6 кунгача қисқартиришга имкон берди, бу эса госпитализация, дори-дармон ва боғлов материаллари харажатларини камайтирди. Иқтисодий самара ёки оқибат реабилитация харажатларининг қисқариши ва қайта операцияларга эҳтиёжнинг камайиши орқали соғлиқни сақлаш тизими ресурсларини оптималлаштиришга эришилди. *Хулоса:* болаларда орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашда Double train методикасидан фойдаланиш юқори самарадорлик ва хавфсизлигини исботлади. Янги ёндашув функционал натижаларни яхшилаш, асоратлар хавфини камайтириш, реабилитация муддатини қисқартириш ва катта иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берди. Ушбу методикани клиник амалиётга кенг жорий қилиш истиқболлидир.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола ва хорижий журналларда 1 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва кўлами Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда болаларда орқа мия ўсмалари тадқиқотининг долзарблиги асослаб берилган. Бу ўсмалар диагностика, жарроҳлик йўли билан даволаш ва асоратлар хавфи юқорилиги нейрохирургиянинг энг мураккаб соҳаларидан бири ҳисобланади. Бу ўсмалар кам учрашига қарамай, улар беморларнинг ҳаёт

сифатига жиддий таъсир кўрсатади ва юқори технологияли даволаш усулларини талаб қилади.

Тадқиқотда **молекуляр-генетик таҳлиллар, интраоперацион нейромониторинг (ИОНМ) учун Double train методикаси**, шунингдек, **болалар учун махсус ишлаб чиқилган спинал ранорасширитель** каби замонавий технологиялар интеграцияси орқали орқа мия ўсмалари диагностикаси ва даволаш самарадорлигини ошириш имкониятлари ўрганилган.

Шунингдек, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон тиббиёт соҳасини ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифаларга мувофиқлиги, хусусан, болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилганлиги таъкидланган.

Тадқиқот натижалари етакчи клиникаларда синовдан ўтказилган бўлиб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти тасдиқланган.

Биринчи боб болаларда орқа мия ўсмалари бўйича замонавий адабиётлар таҳлил қилишга бағишланган. Унда куйидаги жиҳатлар кўриб чиқилган: эпидемиология – болаларда орқа мия ўсмалари учраши, уларнинг асосий турлари (астроцитомалар, эпендимомалар) ва ёш гуруҳлари бўйича тақсимоти; диагностика – замонавий нейровизуализация усуллари, хусусан, контрастли МРТ ва унинг ўсма чегараларини аниқлашдаги роли; функционал диагностика методлари, жумладан, соматосенсор ва мотор чақирилган потенциаллар, шунингдек, Double train методикаси орқали кортикоспинал йўлларни хариталаш имкониятлари; молекуляр-генетик тадқиқотлар – болаларда астроцитомалар ва эпендимомалар учун хос бўлган ATM, BCL2, TP53 генлари экспрессияси; жарроҳлик даволаш – микрожарроҳлик техникаси ва махсус асбоблар, хусусан, спинал педиатрик ранорасширительнинг операцион майдонни яхшироқ кўришдаги аҳамияти; интраоперацион нейромониторингнинг (ИОНМ) орқа мия шикастланиши хавфини камайтиришдаги роли. Шунингдек, бобда ҳали ечимини топмаган муаммолар муҳокама қилинган: бир хил стандартлашган протоколларнинг мавжуд эмаслиги, жарроҳликдан кейинги асоратлар кўп учраши. Ушбу таҳлил диагностика ва жарроҳлик даволаш усулларини янада такомиллаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Иккинчи боб клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усулларини тавсифлашга бағишланган. Клиник материал 55 нафар хаста болани ўз ичига олиб, уларда экстремедулляр ва интрамедулляр орқа мия ўсмалари аниқланган ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий нейрохирургия марказида даволанган. Беморлар ёш бўйича тақсимоти, жинси, ўсма локализацияси ва унинг гистологик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Жадвал 1

Беморларнинг назорат ва асосий гуруҳларга тақсимоти

Гуруҳлар	абс	%
Назорат гуруҳи	31	56,4%
Асосий гуруҳ	24	43,6%
Жами	55	100,0%

беморларнинг назорат ва асосий гуруҳларга тақсимооти кўрсатилган. Назорат гуруҳига 31 нафар бемор (56,4%), асосий гуруҳга эса 24 нафар бемор (43,6%) киритилган. Бундай тақсимот гуруҳларнинг адекват статистик таҳлилини ва улар ўртасидаги солиштиришларни амалга ошириш имкониятини берди.

Жадвал 2

Орқа миянинг зарарланган қисмлари бўйича беморларнинг тақсимооти


Зарарланган қисм	абс	%
Курак	16	29%
Курак-бел	7	13%
Бел	11	20%
Таркалган	1	2%
Бўйин	15	27%
Бўйин кукрак	5	9%
Жами	55	100%

Унда энг кўп учрайдиган локализациялар курак ва бўйин бўлими экинчи кўриниб турибди. Курак бўлими 16 беморда (29%), бўйин бўлими эса 15 беморда (27%) аниқланган бўлиб, улар умумий ҳолатларнинг қарийб ярмини ташкил этади. Бел бўлимидаги зарарланишлар ҳам нисбатан кўп учраб, 11 беморда (20%) қайд этилган. Камроқ учрайдиган локализациялар қаторидан курак-бел бўлими (7 бемор, 13%) ва бўйин-курак бўлими (5 бемор, 9%) ўрин олган. Энг кам учрайдиган ҳолатлар эса таркалган локализацияга тўғри келиб, фақат 1 беморда (2%) кузатилган. Жами 55 бемор ўрганилган бўлиб, ушбу тақсимот орқа мия зарарланишларининг аниқ тенденциясини акс эттиради

Тадқиқотда қуйидаги методлар қўлланилган: нейровизуализация технологиялари – магнит-резонанс томография (МРТ) ва компьютер томографияси (КТ), улар орқали ўсмаларни аниқлаш ва уларнинг структураларини баҳолаш; интраоперацион нейромониторинг (ИОНМ) – Double train методикаси орқали орқа миянинг функционал ҳолатини баҳолаш ва асосий кортикоспинал йўллари сақлаб қолиш имкониятини ўрганиш; молекуляр-генетик таҳлиллар – АТМ, BCL2 ва TP53 генлар экспрессиясини ўрганиш орқали ўсманинг прогнози ва даволаш тактикасига таъсирини аниқлаш; анестезиологик хавфлар ва неврологик бузилишларни баҳолаш – операциягача ва ундан кейинги ҳолатларни аниқлаш ва даволаш тактикасида ҳисобга олиш; функционал ҳолатни баҳолаш учун махсус шкалалар – ASIA ва Nurick шкалалари ёрдамида операциядан олдин ва кейинги даврдаги динамик ўзгаришларни ўрганиш. Ушбу боб болаларда орқа мия ўсмаларини аниқлаш ва даволашда тизимли ёндашувни таъкидлайди. Унда замонавий диагностика ва даволаш технологияларини интеграция қилиш орқали жарроҳлик самарадорлигини ошириш имкониятлари

кўриб чиқилган.

Учинчи боб болаларда орқа мия ўсмалари билан боғлиқ клиник-неврологик белгилари таҳлилидан бошланади. Унда ҳаракат бузилишлари, сезги йўқотишлар ва оғриқ синдроми каби ўзига хос симптомлар, уларнинг орқа мия сиқилиши билан боғлиқлиги муҳокама қилинади. Интраоперацион нейромониторинг (ИОНМ), хусусан, Double Train ва D-Wave методикалари орқали орқа миянинг функционал жиҳатдан муҳим тузилмаларини аниқлаш ва сақлаш имконияти батафсил ёритилади. Кортикоспинал картография усули асосий нерв ўтказувчи йўлларни локализация қилиш ва уларни сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, соматосенсор (ССВП) ва мотор (МВП) чақирилган потенциаллар реал вақтда текшириб борилган ва улар орқали спинал миянинг функционал ҳолати баҳоланган. ИОНМ бўйича асосий техник қийинчиликлар ва чекловлар таҳлил қилинган, жумладан, болаларнинг кичик тана ўлчами туфайли электр стимуляцияси ва сенсор импульсларини қабул қилишдаги муаммолар, операция муддатининг узоклигига толерантликнинг пастлиги сабабли жарроҳлик давомида умумий анестезия таъсирини минималлаштириш зарурати ҳамда микрожарроҳлик операция вақтида чуқур жойлашган ўсмаларнинг аниқ визуализация муаммолари. Бу чекловларни бартараф этиш учун махсус педиатрик спинал ранорасширительлар қўлланган. Шунингдек, ўсмаларни хавфсиз резекция қилиш чегараларини аниқлаш учун бир қатор маълумотлардан фойдаланилган.



1-расм. Кортикоспинал трактни (КСТ) интраоперацион аниқлаш

Орқа мия интрамедуляр ўсмаси олиб ташланиши жараёнида КСТни интраоперацион аниқлаш жараёни кўрсатилган. КСТни аниқлаш учун double-train парадигмаси ёрдамида тўғридан-тўғри стимуляция усули қўлланилди.

Генетик маркерлар – ATM, BCL2 ва TP53 генлар экспрессияси ўсмаларнинг биологик хусусиятлари ва хирургик резекция ҳажмига таъсири ўрганилган. Радиологик маълумотлар – МРТ контрастлаштириш билан ўтказилиб, ўсманинг инфильтрация даражаси ва аниқ локализацияси баҳоланган. Нейрофизиологик маълумотлар – ССВП ва МВП ёрдамида тўқималарнинг функционал ҳолати баҳоланган, бу эса орқа миянинг ишлаш қобилиятини сақлаб қолиш имкониятини оширган. Шунингдек, ушбу бобда генетик,

нейрофизиологик ва радиологик маълумотларнинг интеграцияси асосида хавфсиз хирургик резекция тактикаси ишлаб чиқилгани таъкидланган.

Тўртинчи боб болаларда орқа мия ўсмаларида генетик ўзгаришларни тавсифлайди. Молекуляр-генетик тадқиқотлар натижасида ATM, BCL2 ва TP53 генларининг экспрессияси орқа мия ўсмаларига чалинган болаларда прогноз ва даволаш тактикасига бевосита таъсир кўрсатиши аниқланди. Генлардаги мутациялар ва ўсманинг агрессивлик даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланди: TP53 юқори экспрессияси салбий прогноз билан боғлиқ бўлиб, BCL2 экспрессияси эса касалликнинг юмшоқроқ кечиши ва рецидивлар кам учраши билан корреляцияланган. Генетик маълумотларнинг хирургик тактика танловига таъсири аниқланди. Молекуляр маълумотлар ИОММ протоколларига интеграция қилинди ва бу эса оптимал резекция ҳажмини белгилашга ёрдам берди. TP53 паст экспрессияси ва BCL2 юқори экспрессияси бўлган беморлар жарроҳлик муолажасидан кейин яхши натижаларга эришилди. Генетик тадқиқотлар операциядан кейинги тикланиш жараёнини башорат қилиш ва индивидуал реабилитация схемаларини ишлаб чиқиш имконини берди. Салбий генетик профилига эга беморлар учун қўшимча кузатув ва даволаш протоколлари, шу жумладан химиотерапия ва нур терапияси ишлаб чиқилди. Шу тариқа, учинчи ва тўртинчи боблар орқа мия ўсмаларининг замонавий жарроҳлик даволаш усулларида нейрофизиологик ва генетик методларнинг интеграциясини тасдиқлайди. Бу ёндашув ташхис аниқлигини ошириш, даволаш тактикаси оптималлаштириш ва функционал натижаларни яхшилаш имкониятини берди.

Бешинчи бобда интрамедуляр ва экстрамедуляр ўсмалари бўлган болаларда жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини ёритилган. Орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш болалар учун асосий даволаш усули бўлиб қолмоқда, айниқса, неврологик нуқсонлар кучли ифодаланган ҳолларда. Жарроҳлик аралашувининг асосий мақсадлари - ўсмани тўлиқ олиб ташлаш, орқа мианинг функционал жиҳатдан муҳим тузилмаларини сақлаб қолиш ва операциядан кейинги асоратларнинг олдини олишдан иборат. Ушбу бобда 55 нафар бемор болаларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари таҳлил қилинади, бу жараёнда интраоперацион нейромониторинг (ИОММ), молекуляр-генетик тадқиқотлар ва замонавий жарроҳлик усулларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади.

Жами 55 нафар бемор ўрганилган бўлиб, улардан 31 нафари назорат гуруҳига, 24 нафари эса асосий гуруҳга киритилган. Бундай тақсимот эпидемиологик манзарани баҳолаш, устувор ўсма турларини аниқлаш ва уларнинг тарқалиши ҳамда касалликнинг кечиши хусусиятларини таҳлил қилиш имконини беради. Энг кўп учрайдиган ўсмалар қаторида эпендимома (22%) ва анапластик астроцитома (16%) қайд этилган бўлиб, бу ўсмаларни даволашни режалаштиришда уларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

